

ТАЪЛИМНИ РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ ИМКОНИАТЛАРИ

Саматова Дилрабо Юсуфовна

ТКТИ Янгиер филиали

“Умумий фанлар” кафедраси

муdiri

Рахмонова Ойгул Рустам қизи

ТКТИ Янгиер филиали

“Консервация технологияси”

йўналиши талабаси

“Агар биз кеча ўқитганимиз каби
болаларимизни ўқитсак, биз уларни
кечагагина ўқитган бўламиз.

ЖОН ДЬЮИ,

Файласуф ва таълим

ислохотчиси,

1859-1952

«Келажакнинг рақамли саноатини яратиш» - инсон капиталини ривожлантириш даражасини ошириш орқали мамлакатни рақамли трансформациясини ишга туширишни, таълимда тезкор суръатларда рақамли ўзгартиришни талаб қилади. Бугунги кун аудиториялари ўн йил аввалгиларидан жуда катта фарқ қилади ва синф хоналари компьютерлар, iPad, планшетлар, смарт-доскалар ва бошқа турдаги таълим технологиялари билан жиҳозланган. Дунёнинг бошқа жойларида бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам рақамли авлоднинг етти экранли авлоди - телевизор, компьютер, планшет, таблет, фаблет, смартфон ва смарт-соатлари пайдо бўлди. Бундай зич рақамли муҳитга эга бўлиш ва у билан доимий ўзаро муносабат натижасида бугунги кун талабаларининг фикрлаши ва ахборотларга ишлов бериш жараёнлари олдинги фикр юритиш ва ахборот жараёнларидан тубдан фарқ қилади. Рақамли авлод ота-оналаримиз ўрганган услубда ўқитилиши мумкин эмас ва бўлмаслиги ҳам керак. Бу авлодни ўқитишда қора доска ва оқ бўрдан фойдаланиш мумкин эмас. Қора доскани оқига ва бўрни маркерга ўзгартириш ҳеч нарсани ўзгартирмайди, яъни замонавий талабаларни билим олишга ва меҳнат бозорида муваффақиятга эришиш кўникмаларини ривожлантиришга ундаш усули бўла олмайди. Ахборот ва коммуникация технологияларига асосланган инновацион таълим технологиялари ва дидактик моделларни оммавий ва самарали қўллаш орқали таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш зарур. Шу билан бирга, таълим жараёнида тадқиқотга асосланган ёндашувдан фаол фойдаланиш лозим ва бу билан илмий



тадқиқотда талабаларнинг кўникмаларини ривожлантириш ва ИТ-компетенцияга асосланган ижодий қобилиятларини ва ижодий фикрлашларини шакллантириш мумкин. Ахборот ва коммуникация технологиялари – таълим тизимидаги барча муаммоларга ечим эмас, балки рақамли авлод учун маърузалар ва семинарларни маълумотларга бой ва интерактив қилиб амалга ошириш воситасидир. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, ўқитувчилар талабаларнинг эҳтиёжларига йўналтирилган интерфаол ўқув жараёнида асосий ролни сақлаб қолади. Ўқитувчининг обрўси ва унинг фаолиятининг самарадорлиги фақатгина курс мазмунидаги билимлар даражаси ва унинг педагогик қобилиятига эмас, балки муайян ўқув материални тўплаш, қайта ишлаш ва ўқитишда Келажакнинг инсон капиталини ривожлантириш даражасини ошириш орқали мамлакатни рақамли трансформациясини ишга туширишни, таълимда тезкор суръатларда рақамли ўзгартиришни талаб қилади. Бугунги кунда мамлакатимизнинг ҳар соҳада жаҳон майдонида етакчилик қилаётган ғоя ва технологияларни жорий этиш имкониятига эга қудратли давлатга айланганлигини фахр билан эътироф этиш мумкин. Жумладан, рақамли иқтисодиёт ривожланган мамлакатларда ўзининг чексиз имкониятлар майдони эканлигини намоён қилганлиги боис, бизнинг давлатимизда ҳам бу йўналишларда улкан ишлар амалга оширилмоқда. Маълумки, иқтисодиёт ҳар соҳанинг асоси, ричаги ва ҳаракатлантирувчи кучидир. Шу жумладан, педагогиканинг ҳам. Чунки таълим-тарбия жараёнининг иқтисодиётга боғлиқлиги, ишлаб чиқаришнинг муҳим омиллиги барча давлат хужжатларида яққол белгилаб қўйилган.

Бугунги кун аудиториялари ўн йил аввалгиларидан жуда катта фарқ қилади ва синф хоналари компьютерлар, iPad, планшетлар, смарт-доскалар ва бошқа турдаги таълим технологиялари билан жиҳозланган. Дунёнинг бошқа жойларида бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам рақамли авлоднинг етти экранли авлоди - телевизор, компьютер, планшет, таблет, фаблет, смартфон ва смарт-соатлари пайдо бўлди. Бундай зич рақамли муҳитга эга бўлиш ва у билан доимий ўзаро муносабат натижасида бугунги кун талабаларининг фикрлаши ва ахборотларга ишлов бериш жараёнлари олдинги фикр юритиш ва ахборот жараёнларидан тубдан фарқ қилади. Ўқитувчининг қанчалик замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини қўллаш даражасига боғлиқ бўлади. Бошқача қилиб айтганда, рақамли асрда таълим қайта кўриб чиқиши ва таълим парадигмаси ўзгартирилиши шарт, чунки талабаларга ортиқ анъанавий услубда ўқишни хоҳлайдилар ва ўқитувчилар ҳам бу каби одатий усулда ўқитишни давом эттиришлари керак эмас.

Рақамли авлод ота-оналаримиз ўрганган услубда ўқитилиши мумкин эмас ва бўлмаслиги ҳам керак. Бу авлодни ўқитишда қора доска ва оқ бўрдан фойдаланиш мумкин эмас. Қора доскани оқига ва бўрни маркерга ўзгартириш ҳеч нарсани ўзгартирмайди, яъни замонавий талабаларни билим олишга ва



меҳнат бозорида муваффақиятга эришиш кўникмаларини ривожлантиришга ундаш усули бўла олмайди.

Ахборот ва коммуникация технологияларига асосланган инновацион таълим технологиялари ва дидактик моделларни оммавий ва самарали қўллаш орқали таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш зарур. Шу билан бирга, таълим жараёнида тадқиқотга асосланган ёндашувдан фаол фойдаланиш лозим ва бу билан илмий тадқиқотда талабаларнинг кўникмаларини ривожлантириш ва ИТ-компетенцияга асосланган ижодий қобилиятларини ва ижодий фикрлашларини шакллантириш мумкин. Ахборот ва коммуникация технологиялари – таълим тизимидаги барча муаммоларга ечим эмас, балки рақамли авлод учун маърузалар ва семинарларни маълумотларга бой ва интерактив қилиб амалга ошириш воситасидир. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, ўқитувчилар талабаларнинг эҳтиёжларига йўналтирилган интерфаол ўқув жараёнида асосий ролни сақлаб қолади. Ўқитувчининг обрўси ва унинг фаолиятининг самарадорлиги фақатгина курс мазмунидаги билимлар даражаси ва унинг педагогик қобилиятига эмас, балки муайян ўқув материални тўплаш, қайта ишлаш ва ўқитишда Профессор-ўқитувчининг маънавий-ахлоқий қиёфаси ва қанчалик замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини қўллаш даражасига боғлиқ бўлади.

Бошқача қилиб айтганда, рақамли асрда таълим қайта кўриб чиқирилиши ва таълим парадигмаси таълим ва тарбия бирлиги принципи асосида ўзгартирилиши шарт.

Жаҳон таълим тизимида технологик ёндашувга асосланган инновацион-креатив муҳитни қарор топтириш, бўлажак ўқитувчиларда аналитик ва прогностик компетентликни ривожлантириш, рефлексив ёндашув асосида дарсларни таҳлил қилиш малакаларини шакллантиришнинг технологиялари таълим жараёнига татбиқ этилган. Бўлажак ўқитувчиларда интерфаол машғулотларни ташкил этиш, махсус-методик компетентликни ривожлантириш, педагогика олий таълим муассасалари талабаларида ўқув материалларини структуралаштириш, ўқитиш жараёнини лойиҳалашга тайёрлаш, ўқитиш жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш механизминини такомиллаштириш, бўлажак ўқитувчиларда мустақил малакаларини ривожлантириш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

Жаҳонда технологик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-педагогик фаолиятини такомиллаштириш, интерфаол ўқитиш технологияларини дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда қўллаш жараёнларини интенсив лойиҳалашга доир илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бўлажак ўқитувчиларни дарс жараёнини лойиҳалаш ва режалаштиришга тайёрлаш, ахборот-таҳлилий компетенциясини ривожлантириш, технологик ёндашувнинг дидактик имкониятларини кенгайтириш, бўлажак ўқитувчиларда дарсни таҳлил этиш малакаларини ривожлантириш бўйича ҳам илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда.



Республикамизда сўнгги йилларда олий таълим сифатини ошириш, бўлажак ўқитувчиларнинг дарсларини таҳлил қилиш, касбий-педагогик тайёргарлигини такомиллаштириш, кредит-модул тизимини ўқитиш жараёнига жорий этиш модели ва механизмларини ишлаб чиқишнинг меъёрий асослари яратилмоқда. “Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш, таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш” каби вазифалар белгилаб берилди. Бу эса, технологик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларда дарсни таҳлил қилиш малакаларини шакллантиришнинг дидактик хусусиятларини аниқлаштириш жараёни амалга оширишнинг ташкилий модели ва механизмларини такомиллаштириш шароитларини кенгайтиради.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. Allen K.N, & Fridman B.D // Affective learning Ataxonomy for teaching social work values. Journfaljf Work Values and Ethis, 7 (2) 2010.-1-12 p. (мурожаат қилинган сана: 25.05.2018)
2. Амонашвили Ш.А. Личностно гуманная основа педагогического процесса.- Минск: Изд-во Мин. гос. ун-та, 1997.- 560.с.
3. Ананеев.Б.Г О проблемачсовременного человеждения. СПб: Питр, 2001.-272 с.
4. Аперсян Р.Г. Концепция социально-эмоционального обучения и задачи морального воспитания.// Вопросы психологии. № 1,2. 2019.- С. 29-37.
5. Арзикулова Д.Н. Касбий камолотнинг психологик ўзига хос хусусиятлари. Психол. фан номзоди дисс. ...автореферати.- Тошкент, 2002. –22 б.
6. Волочков А.А Возрастная динамика учебной активности школьников (лонгитюд).// Инновации в образовании № 2. 2005.- С.85-89.
7. Жўраев Р., Ибрагимов Х. Педагогик жамоанинг инновацион фаолияти // Халқ таълими. № 2. 2004.- 4-8 б.
8. 22 Зарипов К. Ўқитувчи касбий маҳоратининг мазмуни ва таркиби // Педагогик маҳорат. № 2. 2009.- 7-13 б.

